# 14-дарс. CMSда мақсадга йўналтирилган веб-сайтларни яратиш мавзуси бўйича дарс ишланма

## Wordpress.com таклиф этган бепул хостинг ёрдамида сайт яратиш

WordPress.com сайтидан рўйхатдан ўтиш учун, аккаунт керак бўлади. Бунинг учун **google.com** сайтига кирилади ва бош саҳифада **“Войти”** тугмаси босилади:




Ушбу ойнанинг **“Создать аккаунт”** бўлимидан **“Для себя”** банди танланади:



Шундан сўнг, исм, фамилия, электрон почта номи ва парол киритилади. Парол камида саккиз белгидан иборат бўлиши ва у ҳарфлар, рақамлар ҳамда махсус белгиларни ўз ичига олиши керак. **“Далее”** тугмаси босилиб, телефон рақам киритилади:







Телефон номерга келган СМС кодни ушбу ойнага киритилиб, **“Подтвердить”** банди танланади:



Навбатдаги ойнага туғилган кун, ой, йил киритилади ва жинси танланиб, **“Далее”** тугмаси босилади ва ҳосил бўлган ойнадан **“Пропустить”** тугмаси босилади:







Махфийлик ва фойдаланиш шартларини ҳақидаги маълумот билан танишиб, (Конфиденциальность и Условия использования) **“Принимаю”** тугмаси ёрдамида тасдиқланади:



Шундан сўнг, **“OK”** ва **“Готова”** тугмалари босилади ва **google.com** да аккаунт яратиш туғалланади.







Аккаунт очилгандан кейин, https://www.wordpress.com сайтидан рўйхатдан ўтиш учун “**Create your website**” тугмачаси босилади:



Бу ойнада Google аккаунт орқали кириш учун “**Continue with Google**” тугмаси босилади:




Googleдаги электрон почтага SMS келади, SMS ни очиб, тасдиқлаш ҳаволаси босилади:



**Вход в WordPress.com** банди танланади:




Шундан сўнг, “**Create a website”** тугмаси босилади.




Бу ойнадан сайт учун домен танланади. Агар танланган домен интернет тармоғида мавжуд бўлса, бошқа ном танлаш ҳақида маълумот берилади:




Ушбу сайт https://informatika736961783.wordpress.com/ деб номланади ва “**Select”** тугмаси орқали ушбу доменга эга бўлинади.




Қуйидаги ойнадан “**Start building a website**” тугмаси босилади ва таҳрирлаш ойнасига ўтилади:




Янги блок қўшиш учун **Home** ойнасининг **Draft entry** банди танланади:



Ушбу ойнадан “**Добавить заголовок записи**” қаторига блок сарлавҳаси киритилади. “**Начните писать или введите “/” для вставки блока**” бандига блок мазмуни киритилади:




Блок сарлавҳаси ва матни киритилгандан кейин “**Опубликовать**” босилади.




Шундан сўнг, **“Просмотреть запись”** тугмаси босилади.




Блокка киритган матнни веб браузерда очиб кўрсатилади.




Локал веб-серверга мақсадга йўналтирилган сайт учун платформа ўрнатиш 4 босқичда амалга оширилади.

1) компютерга локал веб-сервер тўплами ўрнатилади;

2) мақсадга йўналтирилган сайт учун маълумотлар базаси яратилади;

3) сайт доменининг номи локал веб-сервер доменлари рўйхатига қўшилади”

4) сайт учун платформа ўрнатилади.

**OpenServer  локал веб-сервер тўпламини ўрнатиш**

OpenServer локал веб-сервер тўпламини ўрнатиш учун OpenServer расмий сайти (https://ospanel.io) орқали компютер операцион тизимига мос дастурий таъминот компьютерга юклаб олинади.




Ушбу ойнадан Скачать менюси танланади.




Юклаб олинган *open_server_panel_5_4_1_setup.exe* дастури устига сичқонча чап тугмаси икки марта босилади ва Далее тугмаси босилади.




**“Я принимаю условия соглашения”** (Дастур шартларини қабул қиламан) банди танланиб, Далее тугмаси босилади.



Ушбу ойнадан ўрнатиш бўйича тавсиялар билан танишиб чиқиб, Далее тугмаси босилади.




Обзор... орқали ўрнатиш учун локал диск кўрсатилади.



Ушбу ойнадан қайси компонента ўрнатиш керак бўлса танлаб, **“Далее”** тугмаси танланади.




Ушбу ойнада қўшимча вазифаларни бажариш учун кераклисини танлаб, **“Далее”** тугмаси босилади.



Ушбу амаллар бажарилгандан сўнг, **“Установить”** тугмаси босилади.




**Open Server Panel** ўрнатилиш тугаллангандан кейин, “Да, перезагрузить комьютер сейчас” банди танланиб, **“Завершить”** тугмаси босилади.



Open Server ўрнатилгандан кейин C:\ локал дискмга кирилади ва Open Server папкаси очилади. **Open Server.exe** файли биринчи марта ишга туширилганда, тил танланади.




Open Serverни ишга тушириш учун иш столининг ўнг ўнг пастки бурчагида меню (байрокча) ни босиб, контекст менюдан **Run server** буйруғи танланади.




**“Settings”** бандидан MySQL нақли танланиб, “**Save**” тугмаси босилади.




**Мақсадга йўналтирилган сайт платформаси учун маълумотлар базасини яратиш**

1. OpenServer ишга тушганлиги (**Run server** буйруғи амалга ошганлиги) текширилади.

2. OpenServer менюси (байроқча) ни босиб, **Advanced** бўлимидан **PhpMyAdmin** танланади.




3. Маълумотлар базасини бошқариш тизимига логин (root) ва парол (root) киритилади.

4. **Databases** бўлимига ўтиб, сайт маълумотлар базаси учун база яратилади. **Database name** бўлимига сайт базаси номи (масалан, db_kitob) киритилади ва **Create** тугмаси босилади.




**Сайт домени номини локал Веб-сервер доменлари рўйхатига қўшиш**

Сайт домени номини локал Веб-сервер доменлари рўйхатига қўшиш учун **Wordpress.org** манзилига кирилади.




**Get WordPress** менюси танланиб, **download** тугмачаси орқали wordpress платформаси юклаб олинади.

**OpenServer** менюси босиб, **Project folder** бўлими танланади, очилган папкага юклаб олинган Wordpress архив файли кўчириб ўтказилади.

Архив папка ушбу папкада очилади ва у “kitoblar” деб номланади.

**OpenServer** менюси босиб, Settings ойнасида Domains иловасига ўтилади.



**Domains management** қисмидан **Manual control** танланади. **Domain name** қисмига доменнинг номи (масалан, kitoblar) ёзилади ва **Domain folder** қисмида папка (масалан, kitoblar) танланади. Доменнинг номини қўшиш учун **Add**, сўнгра **Save** тугмачаси босилади. Ҳар бир кўрсатма бажаргандан кейин, **OpenServer** қайта юкланади (**Restart server**) кўрсатмаси танланади:




## Сайт учун платформа ўрнатиш

Браузер ишга туширилади (масалан, Chrome) манзил қаторига доменнинг номи (kitoblar/) ёзилади.




Wordpress банди танланади ва ойнада инглиз тили танланиб, **Continue** тугмаси босилади.




Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг, **“Let’s go”** тугмаси танланади.



Ушбу ойнада маълумотлар базаси билан боғланиш учун маълумот киритилади. Маълумотлар базаси номи (Database Name)га (db_kitob), фойдаланувчи номи (Username)га (root), сервер номи (Database Host)га localhost, маълумотлар базаси жадваллари учун олд қўшимча (Table Prefix)га wp_ киритилади, парол (Password)га ҳеч нима киритилмайди. “**Submit**” тугмачаси босилади.




Қуйидаги ойнадаги маълумотлар маълумотлар киритилиб, “**Install WordPress**” тугмачаси босилади.



Ушбу ойнадан **“Log In”** тугмачаси босилгандан кейин сайтга кириш мумкин.







Ушбу ойнадан сайтни тахрирлаш мумкин.

